

НОРМАТИВ ҚИЙМАТНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИГА ҚЎШИМЧАЛАР ҚЎШИШ

А. К. Туропов

“ТИҚХММИ” МТУ магистранти

АННОТАЦИЯ:

Мақолада қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлашнинг мавжуд тартиби ва услубияти, баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги ерларининг ижара ҳақи ва ер солиғини тўлаш тартиби ўрганилган, солиқларни ҳисоблаш дастури ва ундаги камчиликлари ҳамда ерларнинг норматив қийматини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ер ресурслари, норматив қиймат, ер солиғи, ижара ҳақи, ерларни баҳолаш.

АННОТАЦИЯ:

В статье изучена существующий порядок и методика определения нормативной стоимости земель сельскохозяйственного назначения и порядок аренды земель сельскохозяйственного назначения и уплаты земельного налога на основе использования данных оценки, приведены программы по расчету налогов и его недостатки, дано предложения и рекомендации по совершенствованию методики оценки нормативной стоимости земель.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земельные ресурсы, нормативная стоимость, земельный налог, аренды земель, оценка земли.

ABSTRACT:

This article discusses the shortcomings of the tax calculation program for rent and tax payment based on the use of assessment data from the procedure and methods for determining the normative value of agricultural land, as well as suggestions and recommendations for improving this methodology.

Key words: normative value, land tax, land valuation, land valuation program.



Кириш. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни бевосита ерларининг унумдорлиги билан боғлиқдир. Бундай жараёнда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ерларнинг сифати ва унумдорлигини ўрганиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади

Қишлоқ хўжалигида ерларнинг табиий ва иқлим шароитига мос бўлган ишлаб чиқаришни жойлаштириш орқали ерлардан самарали ва унумли фойдаланиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда ерларнинг норматив қийматини илмий ва услубий жиҳатдан асосланган ҳолда белгилаш долзарб аҳамиятга эга.

XIX-асрда яшаган рус олими В.Дал ўз асарларида “Баҳолаш” жараёнининг асл мазмунини изоҳлаб, бу касб эгаларини баҳоловчилар нарх йиғувчилар деб ёзиб қолдирган. XVIII-асрда Россия империяси подшолигида ер баҳоловчи шахс, бирор буюмни баҳолашдан аввал “ростгўйлик ва холислик асосида баҳолайман” деб қасам ичишган. [4]

Бугунги кунда фермер хўжалигини ривожлантириш, унинг кўламини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Фермер хўжалигига давлат томонидан ер ажратиб берилади, ундан даромад қилиши учун мулк ҳуқуқи асосида номига ўтказиб берилади. Фермер бир йил давомида ердан фойдаланганлиги учун солиқ тўлаши керак албатта. Ерлардан олинадиган фойданинг маълум қисмини табиийки давлатга солиқ сифатида тўлайди. Маълумки, ернинг норматив қийматини ҳисоблаш учун ягона қарор қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг норматив қийматини аниқлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 18-августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида” низоми ишлаб чиқилган ва шу қарор асосида ер солиғи ҳисобланади ва ижара ҳақи олинади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган қарор билан нафақат ернинг норматив қиймати балки ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини ҳам амалга оширишда ёрдам бериши керак албатта. Афсуски ушбу қарор фақат ер солиғини олишда қўлланиб келинмоқда [2]

Тадқиқот усуллар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин



майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида” низомда берилган норматив қийматни аниқлаш усуллари ҳамда таққослаш, гуруҳлаш ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 18-августдаги 235-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳамкорлик 2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлардаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш ишлари амалга оширилган. [3]

Мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан туман (шаҳар)лар бўйича юзага келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштиришнинг ўртача фойда нормаси ва қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили тўғрисидаги маълумотларни ҳар йилнинг 1 апрел санасигача “Давергеодезкадастр” қўмитаси (ҳозирги Кадастр агентлиги)га тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ишлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “Ўздаверлойиха” илмий-лойиҳалаш институти томонидан бажарилиб келинмоқда [3].

Тақдим этилган маълумотларга кўра “Ўздаверлойиха” ДИЛИ дастурий таъминотида киритиб, ҳар бир қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматини аниқлаш” натижалари бўйича жорий йил июнь ойининг биринчи ўн кунлигида Молия вазирлигига тақдим қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Парда Шербобоев массивидаги фермер хўжаликларининг меъёрий қиймат баҳоси ҳисобини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда П.Шербобоев массивида қишлоқ хўжалиги йўналишида жами 20 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, шулардан 2 таси боғдорчилик-узумчилик, 10 таси пахта-ғаллачилик, 6 таси чорвачилик ва 2 таси бошқа йўналишларда фаолият олиб бормоқда [9].


Норматив қиймат баҳоси бўйича П.Шербобоев массивидаги Пахта-ғаллачиликка ихтисослашган Мўминобод-Барака фермер хўжалигининг бир гектар ернинг норматив баҳоси 13487,3 минг сўмни ташкил этиши ва фермер



хўжалик ер участкасининг (121,8 гектар) ялпи норматив баҳоси 1642717,5 минг сўм чиқишини кўришимиз мумкин [10].

Кўйида биз фермер хўжалигининг бир гектар ернинг меъёрий баҳоси ва жами ер майдонига ҳисобланган меъёрий баҳосини аниқлаш усули билан танишамиз.

Қишлоқ хўжалик экин майдонларининг норматив-қийматини аниқлаш ва ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби



1. Қишлоқ хўжалик экин майдонларининг норматив-қийматини аниқлаш ва ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби

Бу жараёни биз “Мўминобод Барака” фермер хўжалиги мисолида кўйидаги босқичлардан иборат эканлигини кўрсатамиз:

1-босқич, фермер хўжалигининг норматив қийматини топиш учун фермер хўжалигининг ўртача бонитет балли (76) ни бир тонна пахта қийматига (0,4)

кўпайтирамиз. Чикқан жавоб центнер ҳисобида чиқади (30,4) ва биз уни тоннага ўтказиш учун чикқан жавобни 10 қийматга бўламиз (3,04). Кейин чикқан жавобни бир тонна пахтани тан нархининг қийматига (2.300.000) кўпайтирамиз ва натижани 0,661 коэффицентга кўпайтирамиз. Натижада бир гектар ҳайдалма ердан олинадиган ялпи маҳсулотнинг меъерий баҳоси (4621712) келиб чиқади ва ушбу қийматни қисқартириб олиш учун минг сўм қийматга бўламиз (4621,7).[8]

2 -босқичда биз фойда меъерини аниқлаймиз. Бунинг учун фермер хўжалигининг ўртача балл бонитетини бир балл фойда меъери (0,3) қийматига кўпайтирамиз ва фойда меъери (22,8)% ҳисобида келиб чиқади.

3- босқичда меъерий соф фойдани топишимиз керак бўлади. Унинг учун бир гектар ҳайдалма ердан олинадиган ялпи маҳсулотнинг меъерий баҳосига (4621,7) фойда меъеридан чикқан қийматни (22,8) кўпайтирамиз ҳамда умумий кўрсаткичга нисбати 100 қийматга бўламиз ва меъерий соф даромад қиймати (1053,7) келиб чиқади. Бу меъерий соф даромад қийматининг натижаси ҳисобланади.

4- босқичда банк ссудаси (5) ва хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини даражаси бўйича коэффицентлари (0,8) бизда бор эди.

5- босқичда бир гектар ернинг базавий меъерий баҳосини топамиз. Бунинг учун меъерий соф даромад (16859,2) ни хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини даражаси бўйича коэффицентлари (0,8)га кўпайтирамиз ва чикқан жавобни 100 қийматга кўпайтирамиз ва жами қийматни банк ссудаси (5) қийматига бўлиб юборамиз. Натижада бир гектар ернинг базавий меъерий баҳоси (16859,2) келиб чиқади.

6- босқичда бизда массивнинг жойлашганлик баҳоси бўйича коэффицентлари (0,8) ва маҳаллий шароити бўйича коэффицент қийматлари (1) мавжуд.

7- босқичда бир гектар ернинг меъерий баҳосини топишимиз керак бўлади. Бунинг учун бир гектар ернинг базавий меъерий баҳосидаги қиймат (13487,36) ни массивнинг жойлашган ўрни бўйича коэффицентлари (0,8) га кўпайтирамиз ҳамда чикқан жавобни маҳаллий шароит бўйича коэффицент (1) га йўли билан бизга керакли бўлган бир гектар ернинг меъерий баҳосини (13487,3) топамиз ва шу қиймат натижасида ягона ер солиғи ставкаларини аниқлашда қўллаймиз.



8- босқичда ер участкасининг ялпи меъерий баҳосини аниқлашимиз керак бўлади. Бунинг учун бир гектар ернинг меъерий баҳоси (13487,3) ни фермер хўжалигининг умумий ер майдони (121,8) га кўпайтирамиз ва натижада фермер хўжалигининг ялпи (умумий) меъерий баҳоси (1642717,5) келиб чиқади. Ушбу жадвалда юқоридаги ҳисоб-китоб ишларидан фойдаланиб фермер хўжалигининг норматив қийматини аниқлаймиз [10].

Тадқиқот натижалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматини аниқлаш натижаларининг” якуний маълумотлари асосида келгуси календар йил учун ягона ер солиғи ставкаси миқдорини Вазирлар Маҳкамасига киритилиши кўрсатиб ўтилган. Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган миқдорни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларни давлат бюджетига ундирилиши кўзда тутилган.

Ушбу ўринда қишлоқ хўжалик ерлари норматив қиймати кўрсаткичларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш бўйича норматив қийматни ишлаб чиқариш дастурини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар беришни лозим деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 18-августдаги 235-сонли қарорнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг бир бонитет балга нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги, озуқа экинларининг озуқа бирлигида ифодаланган норматив унумдорлиги ва туман деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йиллик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш бўйича ҳар бир маҳсулотларнинг турига қараб коэффицент белгилаб беришлари ва умумий тонна ҳажмида йиллик сумма нархларини аниқлаб беришни янада такомиллаштириб, унга яна бошқа маҳсулотлар ва ем-хашак ўсимликларини киритиш кераклигини айтиб ўтиш керак. Сабаби Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2 иловаси асосий қишлоқ хўжалиги экинларини, боғлар ва токзорларнинг тупроқларининг бир бонитет балга нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги жадвалларини мисол тариқасида оладиган бўлсак Кунжут ўсимлигидан олинадиган солиқ учун алоҳида коэффицент киритилмаган. Сабаби 235-сонли қарорнинг 2-илоvasида Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқларининг бир



бонитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги деб ёзиб кўйилган. Олдинги йилларда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштиришда асосан 2-иловада келтирилган маҳсулотлар киритилган. Бошқа экинларнинг норматив ҳосилдорлиги бошоқли дон экинлари бўйича ҳисобланган

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқларининг бир бонитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дарахтлар	Тупроқнинг бир бонитет балига нисбатан норматив ҳосилдорлиги, ц/га
Суғориладиган ерларда	
Гўза	0,4
Бошоқли дон экинлари	0,6
Тамаки	0,45
Шоли	0,7
Бир йиллик ўтлар (яшил ем-ҳашак)	3,0
Сабзавотлар	3,0
Полиз маҳсулотлари	2,7
Ўтган йиллардаги беда	2,0
Дон учун маккажўхори	0,75
Ем-ҳашакбоп илдизмевали ўсимликлар	9,0
Картошка	2,0
Боғлар (ўрта ҳисобда)	0,6
Токзорлар (ўрта ҳисобда)	0,8
Лалми ерларда	
Кузги буғдой	0,25
Кузги арпа	0,20
Баҳорги нўхат	0,12

Яъни фермер етиштирган маҳсулот бошқа бўлиб, бошқа маҳсулотнинг нисбатида солиқ тўлайди ва бу қандайдир маънода фермерлар маҳсулотларини тўғри ҳисоб - китоб ишларини амалга оширишга бироз тўсқинлик қилади.

Ушбу маҳсулот ҳозирги кунда талаб ортиб боришини инобатга олган ҳолда бу ўсимликни етиштиргандан кейин унинг ўзига алоҳида коэффициент билан ишлаш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда Кунжут ўсимлиги ҳақида қисқача: Кунжут- кунжутдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, мойли экинлар турига киради. Ҳозирги кунда 19 тури маълум. Ватани - Африка. Ўрта Осиёга Ҳиндистондан олиб келинган. Деҳқончиликда баҳори экин бўлган бир йиллик маданий тури - Ҳиндистон кунжути Ҳиндистон, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё, Африка, Эрон, Ўрта Осиёда ва бошқа мамлакатларда экилади. Кунжут ўсимлиги мойи зайтун мойидан ҳам устун туради. Пресслаб олинган Кунжут мойи истеъмол учун, озиқ-овқат саноатида, консерва ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, табобат, парфюмерияда ишлатилади.

Африкада барги овқатга солиб истеъмол қилинади. Тозаланган ва майдаланган уруғи юқори навли ҳолвалар (ҳолвалар) тайёрлашда, нон ёпишда ишлатилади. Кунжут кунжарасида 40% оқсил, 8% мой бўлади, молларга озуқа сифатида берилади.

Кунжут сур тупроқли, унумдор, дондуккакли экинлардан бўшаган ерларда мўл ҳосил беради.

Навлари:

Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидаги томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида Кунжутнинг Тошкент 122, Серахс 470, Кубанетс 55 навлари экилади.[8]

Кунжутнинг йиллар ҳисобидаги экилиш даври

2-жадвал

Т/р	Йиллар	Минг тонна
1	2000	2,2
2	2005	2,3
3	2010	3,9
4	2015	6,1
5	2018	9,6
6	2019	13,9
7	2020	12,8



Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики Кунжут ўсимлигининг қанчалик аҳамияти 2010 ва 2020 йиллар оралиғида 10,6 минг тоннага ошган ва биз бу ўсимликни бошқа экинлар сифатида норматив ҳосилдорлигини ҳисоблаб келмоқдамиз. [7]

Кейинги таклиф эса ерларни баҳолаш ишларини амалга ошириш дастурини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар ишлаб чиқдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги “Ўздаверлойиха” давлат илмий лойиҳалаш институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 235-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби таъминлаш учун керакли маълумотларни олиш учун ёзма хат билан чиқиши ва керакли маълумотларни кутиши керак. Бошқа ташкилотлар ҳам ўз навбатида норматив қийматни ишлаб чиқилиш учун зарур маълумотларни тақдим этгандан сўнг уларни “Ўздарерлойиха” ДИЛИ ходимларни ўзларининг дастурларига бирма-бир киритишлари керак бўлади. Ушбу жараёнда инсон омили иштирокидаги ҳар қандай хато-камчиликлар келиб чиқиши мумкин. “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси ўзининг тупроқ таркиби бўйича маълумотларни тақдим этади ва ходимлар ҳар бир ердан фойдаланувчиларнинг умумий ерининг балл бонитетининг ўртачаси олина. Бунда баъзи ерларнинг балл бонитети юқори ва баъзи бирлари паст бўлиши мумкин. Бу эса аниқ балл бонитетини бермайди ва тўғри меъёрий қийматни ҳисоблашга қаршилик қилади.



Юқоридаги айтиб ўтилган вақтдан ютқазिश ва хатоликларни бартараф этиш мақсадида янгича дастурни такомиллаштириш керак. Бунинг учун биз куйидагича таклиф киритишни лозим топдик.

Норматив қийматни ишлаб чиқиш учун ягона дастурни ишлаб чиқиш керак ҳамда ҳар бир Вазирлик ва қўмита томонидан киритилиши лозим бўлган маълумотларни жойнинг ўзида (ҳар бир ташкилот ҳеч қандай қоғозларсиз) дастурга бемалол ва ўз вақтида киритишни йўлга қўйиш яъни Давлат статистик қўмитаси ўзининг йиллик статистик маълумотларини, Молия вазирлиги иқтисодий маълумотларни, “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси ўзининг тупроқ бўйича маълумотларни ҳар бир ердан фойдаланувчининг контурлар ва алоҳида майдонлари кесимида ўзи учун бириктирилган ячейкага киритади ва бошқа бўлимнинг маълумотларига ўзгартириш киритолмайдиган тарзда жами натижаларни онлайн тарзда кўриб туриш имконини яратади. Ушбу онлайн дастур асосида тўғридан - тўғри Вазирлар Маҳкамасининг онлайн дастурида кўриниб туриши ва маълумотларни ҳисоблаш ишларини шаффофлик даражаси юқори бўлишига эришамиз ва бошқармалар орасидаги қоғозбозликни олдини олишга анчагина ёрдам ҳам беради. Ушбу дастурни онлайн платформага чиқарсак фақат фермер хўжаликлари ўзининг СТИР рақамларини киритган ҳолда ўзларининг ер майдонлари учун тўлайдиган солиқ миқдорларини истаган вақтда истаган жойда кўриб туришлари ҳамда тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлар эди. Бу маълумотлар асосида норматив қийматни ҳисоблаш учун масъул ходимларнинг иши сифатли ва ижобий бўлади. Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики ердан фойдаланувчилар қайдай маҳсулотлар етиштирганликлари ва қанча миқдорда тўлов амалга оширганликларини шаффофлик тизимида очик кўриб туришлари мумкин.

Маълумки Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишдаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4336,6 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эса 27148,5 жами фоизнинг 60,48 % ни ташкил этади.[11]



Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига кирази.

Бу ер турлари ичидан бўз ерлар ҳақида тўхталиб ўтсак;

Бўз ерлар таркибига самарасиз фойдаланиш натижасида, суғориш қодаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозияга таъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот)дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар кирази.

Бўз ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 2022 йил ҳолатига қўйидаги жадвалимизда кўрсатилган.

(минг гектар ҳисобида)

3-жадвал

Т/р	Республика, вилоятларнинг номи	Жами ерлар бўз	Шу жумладан:	
			Суғориладиган ерлар	Лалми ерлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14,2	14,2	-
2	Андижон вилояти	2,6	0,5	2,1
3	Бухоро вилояти	7	7	-
4	Жиззах вилояти	11,3	1,7	9,6
5	Қашқадарё вилояти	21,9	4,6	17,3
6	Навоий вилояти	6,8	6,7	0,1
7	Наманган вилояти	2,5	2,5	-
8	Самарқанд вилояти	5,2	-	5,2
9	Сурхондарё вилояти	0,3	-	0,3
10	Сирдарё вилояти	10,2	10,2	-
11	Тошкент вилояти	0,8	0,4	0,4
12	Хоразм вилояти	3,8	3,8	-
Жами		86,6	51,6	35

Суғориладиган минтақадаги бўз ерлар суғориладиган экин ерлар чегараларида кичик майдонларга жойлашган, агар бундай ерлар суғориш

ва коллектор шохобчалари билан таъминланиб, тегишли мелиоратив тадбирлар амалга оширилса, бу ерларнинг ҳолати қайта тикланиши ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот)га қайта киритилиши мумкин.[11] Шу ўринда бир хулоса бўз ерлар 86,6 минг гектар майдонга етиб келиши мана шу 2021 йилда амалга оширилдими ёки бу ҳолат йиллар давомида оз-оздан қўшилиб келяптими, бу саволга жавобни ушбу жадвалдан оламиз.

Бўз ерларнинг йиллар кесимида шаклланиши

(минг гектар ҳисобида)

4-жадвал

T/p	Ер турлари	2017 ҳолатига	2018 ҳолатига	2019 ҳолатига	2020 ҳолатига	2021 ҳолатига	2022 ҳолатига	2022 йил 2017 йил фарқи +,-
1	Бўз ерлар	79,9	80,8	80,7	83,7	83,6	86,6	6,7
2	Шу жумладан суғориладигани	46,8	47,8	47,7	48,7	48,6	51,6	4,8

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики бўз ерлар ерга яхши ишлов берилмаслиги, керакли озуқаларни вақтида бериб турмаса келгуси йилларда бу рақамлар (6,7 минг гектар) ошиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 18-августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида” низомининг 24-бандида 1 гектар суғориладиган бўз ерларнинг норматив қиймати 0,1 коэффиценти қўлланилган ҳолда суғориладиган ҳайдов ерларнинг қиймати бўйича аниқланади деб ёзиб қўйилган.[2] Яъни ким ҳар қандай фермер хўжалиги 1 йилда суғориладиган бўз ерлар учун 0,1 қийматда ҳисобланиб солиқ тўлаши белгилаб ўтилган. Бу ҳолат баъзи фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш қоидаларига амал қилишини сустлаштириб, ердан фақат ўзининг мақсадлари учун қараши ва ерга ўтказилиши керак бўлган мелиоратив тадбирларни ўтказмасдан қолинишига сабаб бўлмоқда. Биз юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ердан самарали фойдаланиш қатор таклифлар ишлаб чиқдик. Яъни ердан


фойдаланувчи бўз ерлардан фойдаланмасдан уни ишдан чиқаришга олиб келса 235-сонли қарорнинг 24-бандида келтирилган 1 гектар суғориладиган бўз ерларнинг норматив қиймати 0,1 коэффиценти қўлланилган ҳолда эмас, балки 0,3 коэффиценти қўлланилган ҳолда ерларнинг қийматини аниқлашини ҳамда бўз ерлардан фойдаланилган учун, янги ерларни ўзлаштириш (янги фермер хўжалик ташкил этилиб бўз ерлардан фойдаланишни ташкил этса) учун 1 гектар ер майдонга 0,1 коэффиценти қўлланилмасдан аксинча бўз ердан 1 йил фойдаланса умуман солиқ олмаслик, 2 йил фойдаланса 0,50 коэффиценти қўлланилган ҳолда ерларнинг қийматини аниқлаш усулини таклиф қилмоқдамиз. Бунинг самараси қандай бўлади ва қанақа оқибатларга олиб келади: ердан фойдаланувчилар кўпроқ солиқ тўласа ерга кўпроқ ишлов бериб уни қишлоқ хўжалиги ер туридан чиқишини олдини олади ва бу ҳол ерларни ҳолати бузилишини олдини олган бўлади. Агарда янги ерларни ўзлаштирган ердан фойдаланувчилардан солиқ олинишини камайтирсак нима бўлади: ердан фойдаланувчилар ҳамда янги ташкил этилаётган хўжаликлар ерга кўпроқ ишлов бериши, ундан иложи борича кўпроқ ҳосил олишга интилишлари ортади. Фермер ўзи учун меҳнат қилиши кўпроқ натижаларга олиб келади. Бунинг натижасида ернинг унумдорлиги ошади, тупроқнинг балл бонитети ошиши кузатилади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан табақаланишини илмий ва услубий томондан асослаш зарурати ошиб бормоқда. Бу эса, ушбу хўжаликларни кўп тармоқли корхоналарга айлантиришга хизмат қиладиган адолатли солиқ солиш, инвестиция, ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, ердан фойдаланувчининг манфаатдорлиги кучайиши, шунингдек инновация ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир қиладди.

Айни шунинг учун ҳам, бугунги кундагидек қишлоқ хўжалиги ерларининг “меъерий қиймати”ни баҳолаш натижаларидан фақат ягона ер солиғи тизимини шакллантиришда фойдаланмаслик керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниб бу учун бир нечта давлат бошқарув ташкилотлари ишлаб чиққан норматив қийматдан биз фақатгина ягона ер солиғини ундиришда фойдаланиб келмоқдамиз. Шу жараёндан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадида ерларнинг меъерий баҳосидан кенгроқ фойдаланиш мумкинлигини таҳлил қилдик ва уни иложи



борича кенгроқ ёритиш мақсадида чизма кўринишида ифодаладик. Шу ўринда норматив қиймат аниқлангандан кейин уни яна бир қатор йўналишларда қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар мавжуд. Ушбу йўналиш орқали ернинг топилган норматив қийматини янада керакли йўналтириш билан ернинг қадрини оширишимиз мумкин ва фермер ишлаб чиқариш хўжаликларининг фойдаланишдаги кўрсаткичларини яхшилашга эришамиз. Ушбу кўрсаткичларни 2-чизмада асослаб кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.



2-чизма. Қишлоқ хўжалиги ерлари “Меъёрий қиймати” кўрсаткичларининг кўпфункционаллигини таъминлаш усуллари

2-чизмадан кўриниб турибдики агар ерни кўпмақсадли ва кўпфункционал ресурс сифатида қарайдиган бўлсак, ернинг “меъёрий қиймати” кўрсаткичларидан ер ижараси ҳуқуқининг қийматини аниқлаш ва ушбу қийматни муайян чекловлар асосида банк кредитини олиш учун таъминот

сифатида бериш, ер ижараси ҳуқуқининг қийматини фермер хўжалиги балансига киритиш орқали фермер хўжалигининг устав капиталини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратишда компенсация миқдорини иқтисодий асослаш, қишлоқ хўжалигида жарима ставкаларини ўрнатиш, қишлоқ хўжалигида суғурта ишини ташкил қилиш каби услубларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин ва лозим.[6]

Юқоридаги келтирилган жараёндан кўриниб турибдики ернинг норматив қийматидан фақат ундан олинadиган ягона ер солиғидан ташқари бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланиш мумкинлигини, уни янада такомиллаштириш мумкинлигини эътироф этиш мумкин. Ердан олинadиган соф даромадни тўғри ҳисоблаб тўғри йўналтирсак фермер хўжалиги ҳам давлат ҳам манфаатдор бўлишини кўришимиз мумкин.

Хулоса

Ушбу мақолада келтириб ўтилган вазифаларни бажаришдан кўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалик ерларининг бир гектар ер майдонидан олинadиган ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва унинг йўлларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ерларнинг норматив қиймати ишлаб чиқилгандан кейин уни фақат ягона ер солиғи учун эмас, балки норматив қиймат кўрсаткичларидан ер ижараси ҳуқуқининг қийматини аниқлаш ва ушбу қийматни муайян чекловлар асосида банк кредитини олиш учун таъминот сифатида бериш, ер ижараси ҳуқуқининг қийматини фермер хўжалиги балансига киритиш орқали фермер хўжалигининг устав капиталини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратишда компенсация миқдорини иқтисодий асослаш, қишлоқ хўжалигида жарима ставкаларини ўрнатиш, қишлоқ хўжалигида суғурта ишини ташкил қилишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Т: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 18-августдаги 235-сонли қарорининг янги таҳрири, Т.: Ўзбекистон, 2014



3. Хужакулов У.Б ва Эргашев Х.Н. “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ мутахассислари маърузалари. 2017.
4. М.И.Нуретдинова. В.И.Боголовский, “Ўзбекистон замини” Илмий-амалий ва инноватсион журнали. 2021/4.
5. Алтиев А.С. “Ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Диссертация, Автореферат” - Т - 2018
6. www.Lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Очiq маълумотлари.
8. Интернет маълумотлари: <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kunjut>
9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ маълумотлари
10. Битирув малакавий иши А.Туропов. Тошкент 2019.
11. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида”ги Миллий ҳисобот (2018-2022 йил) ва Ўзбекистон Республикасининг ер фонди.

